

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**



**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ  
БУЗГАНЛИК УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИК**

**ИЛМИЙ-ОММАБОП  
РИСОЛАЛАР СЕРИЯСИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**Х.Р. ОЧИЛОВ**

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ  
БУЗГАНЛИК УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИК**

**Тошкент – 2021**

**УЎК: 342.8(041)(575.1)**

**КБК: 67.408(5Ўзб)**

**О 95**

**Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий Кенгашининг 2021 йил 30 июндаги 6-сон мажлис баёниомаси биланнашрга тавсия этилган.**

**Х.Р. Очилов**

**Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик** (оммабоп рисола) / Х.Р. Очилов. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2021. – 28 б.

Мазкур рисолада сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик билан боғлиқ масалалар таҳдил қилинган. Хусусан, ушбу соҳада маъмурий ҳуқуқбузарлик деб эътироф этиладиган ғайриқонуний ҳаракатлар тавсифи, уларнинг ижтимоий хавфи ҳамда улар учун жавобгарлик ва жазо масалалари оддий ҳалқчил тилда ёритиб берилган. Бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиши мумкин бўлган шахслар (субъект) тоифаларининг белгилари ўрганилган. Шунингдек, сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик, аниқ жиноят турлари ҳамда жиноят таркиблари таҳдилга тортилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**ISBN: 978-9943-7399-9-4**

© Х.Р. Очилов. 2021 й.

© Тошкент давлат юридик университети, 2021 й.

## КИРПИШ

Юртимизда амалга оширилгээтган демократик, сиёсий ва хукукий ислоҳотларнинг ажралмас тарқибий қисми сифатида сайлов қонунчилиги ва амалиёти ҳам равоҳланниб бормоқда. Натижада миллий сайлов қонунчилиги ҳозирги замонийи демократик талабларга жавоб бермоқда. Шундай бўлишига қарамай, ушбу йуналишда олиб борилаётган ислоҳотларни янада ташомиллаштиришни даврнинг ўз талаб этмоқда.

Сайловларни халқаро стандартлар талаблари асосида амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, сайлов иштирокчи-ларининг хукуқ ва манфатларини янада мустаҳкам ҳимоя қилиш мақсадида амалдаги қонунчилигидан сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаб қўйишти.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси саккизта маддадан иборат бўлган янги – «Сайлов ва референдумни ташкил этиши ва ўтказиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб юнланган V<sup>1</sup> боб билан тўлдирилди. Сайлов қонунчилигини бузини билан боғлиқ хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлигининг қатъни белгилаб қўйилиши сайлов эркинлиги принципининг янада тўлиқроқ амалга оширилиши, сайловнинг очиқ-ошкоралиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат килади. Сайлов қонунчилигидаги ушбу янгиликлар сайлов жараёнларининг очиқлигини таъминлаш, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишида содир этишини мумкин бўлган хукуқбузарликларнинг олдини олиши ишқонишни беради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг фаолиятига аралashiшга, уларнинг қарорлари ижро этилмаслигига йўл қўйилмайди. Сайлов комиссиялари ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирорлашмалари, сиёсий партиялар ва мансабдор шахслардан мустақиллар. Зоро, сайлов жараёнида қонуний, адолатли ва бартона иштирокчиларга тенг шароитлар яратиш учун сайлов комиссииси аъзоларининг мустақил ҳолда иш юритишлари ғоят муҳим таъюниш ҳисобланади. Бинобарин, ушбу тамойилнинг амалий жиҳатдан таъминланмаслиги сайловларнинг демократик мөхиятига жиҳдий путур етказади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг

“Фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликлариға қарши жиноятлар” деб номланган VII бобидаги 146 ва 147-моддаларида сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Улар сайловларни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тұғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва сайлов хуқуқи ёки ишончли вакыл ваколатларининг амалга оширилишига тұсқынлик қилиш каби гайриқонуний ҳаракатлар жавобгарликни назарда тутади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ хукукбузарлайлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгиловчى нормаларнинг амалдаги қонунчиликка киритилиши милиций сайлов тизимининг такомиша ширилиши, фуқароларнинг сайлов хуқуқлари кафолатларининг мустаҳкамланиши таъминланиши ҳамда сайловларнинг демократик тамойилларга тұла мос равища да ўтказилишига хуқукий замин яратади.

# I. САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

## 1. Сайлов комиссияларининг фаолиятига қонунга хилоф равишида аралашиш

Марказий сайлов комиссияси – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларини ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қиласи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Сайлов кодексининг изжорси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хилда қўлла-нилишини таъминлади.

Сайлов комиссиялари – вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари; округ сайлов комиссиялари; участка сайлов комиссиялари кўринишида шакллантирилади.

Ушбу сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади.

**Ёдда тулинг!**

Мазкур комиссияларининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарлик келтириб чиқаради.

Бирон-бир мансабдор шахснинг мазкур сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашishi, ҳудди шунингдек, уларнинг ишига тусикларни юзага келтириши билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (кейинги ўринларда МЖТК) 51<sup>2</sup>-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларининг фаолиятига арала-



шиш) билан баҳоланиши ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур комиссиялар фаолиятига **аралашин** деганда – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларда комиссиялар ҳамда аъзоларининг тўлиқ ваколати доирасига кирадиган ва мустақил амалга ошириши назарда тутилган вазифаларни бажаришига ҳеч қандай ҳукуқий асосларга эга бўлмасдан ташқаридан таъсир этишга айтилади. Хусусан, ушбу ҳаракатлар номзодларни рўйхатга олишда, сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқища комиссияга таъсир ўтказиш, сайловчилардан улар қайси номзодга овоз берганликларини суриштириш каби ҳаракатларда ифодаланади.

Комиссияларнинг ишида тўсиқларни юзага келтириш сайлов комиссияси аъзоларини комиссия таркибида ишлаш имкониятларини чеклаш, сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқища кузатувчилар иштирокини чеклаш, жамоат тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳукуқбузарликлар содир этиш каби ҳаракат сизликларда намоён бўлади.

Ушбу ҳукуқбузарликлар **мансадор шахслар** томонидан содир этилади.

## **2. Сайлов комиссияларининг қарорларини ижро этмаслик**

Марказий сайлов комиссияси ишининг ташкилий шакли унинг мажлислари бўлиб, улар заруратга қараб ўтказилади. Агар мажлисда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, мажлис ваколатли ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари очиқ овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда, бошқа манбаларда эълон қилиниши лозим.


Марказий сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари округ ва участка сайлов комиссиялари, давлат органлари, сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорларини ижро этмаслик, шунингдек, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши гайриҳукуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиши муддатларини узрли сабабларсиз бузиш жавобгарликни келтириб чикаради.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида сайлов комиссиялари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг органларига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Улар қўйилган масалани кўпи билан уч кунлик муддатда кўриб чиқиши ва сайлов комиссиясига жавоб қайтариши шартлиги белгиланган.

Сайлов комиссияларининг қарорлари-ни ижро этмаслик ҳамда улар мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқмаслик билан боғлиқ харакатларни содир этган мансабдор шахсларнинг қилмиши МЖТКнинг 51<sup>3</sup>-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўtkazuvchi комиссияларининг қарорларини ижро этмаслик) билан баҳоланиши ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар мансабдор шахслар томонидан содир этилади.




**Ёдда тутиң!**

**Хуқуқбузарлик** мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг қарорларини ижро этмасликдан, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайрихуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузишда намоён бўлади.

**Қарорларни ижро этмаслик** – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг қарорларини бажариш мажбурияти юкланган мансабдор шахс томонидан комиссия қарорлари бажарилмаслигини англатади.

Мурожаатларни кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш мурожаатларни кўриб чиқиш мажбурияти юкланган шахс ёки органнинг қонунда кўрсатилмаган асосларга кўра мурожаатни қабул қилмаслигига ифодаланади.

### **3. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг хуқуқларини бузиш**



**Номзод** – Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ва Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиш учун сайловларда белгиланган тартибда ўз номзодини илгари сурган Ўзбекистон Республикаси фуқароси хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ва Қонунчилик палатаси депутатлигига **номзодлар** Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади. Мажаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш эса тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Номзод этиб рўйхатга олинган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз **беш кун** қолганда тутатилади.

Номзодларни рўйхатга олинганидан кейин **беш кунлик** муддатда тегишли сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги

хабарни номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, түғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машгулоти тури), иш ва яшаш жойи, шунингдек, уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда эълон қиласди.

**Рўйхатга олинган барча номзодлар тенг ҳуқуқларга эга бўлади.**

**Ишончли вакил** – номзодга сайлов кампаниясини ўтказишида ёрдам беради, сайлаши учун ташвиқот олиб боради, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодалайдиган шахс.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари унинг тақдимномасига биноан, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади, Марказий сайлов комиссияси уларга тегишли гувоҳномалар беради.

**Кузатувчи** – сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган мандатлар асосида амалга оширадиган шахс.

**Кузатувчилар қўйидаги ҳуқукларга эга:**

- сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;
- номзодлар кўрсатишга бағишлиланган йигилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;
- сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг бориши, яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналарининг жойлаштирилиши ва сайлов қутиларининг муҳрланиши, фуқароларнинг рўйхатга олиниши, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;
- овозлар санаб чиқилаётганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузилаётганда ҳозир бўлиш;
- сайлов натижалари тўғрисидаги хужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;
- агар тегишли сайлов участкасида сайлов қонунчилиги талаблари бузилишига йўл кўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш.

**Сиёсий партия ваколатли вакили** – номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов комиссиясининг мажлисларида, хужжатларни топширища, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширища, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишида иштирок этиш учун ваколат берилган шахс (вакил).

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ўз фаолиятини амалга ошираётган вақтда шахсини тасдиқловчи хужжат, сиёсий партия томонидан берилган хужжат ва тегишли сайлов комиссиясининг мандатини ўз ёнида олиб юриши шарт.

Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг хукуқларини бузиш деганда, ушбу шахсларнинг сайлов тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилган ваколатлари доирасида амалга ошириш мумкин бўлган хукуқларини мансабдор шахслар томонидан бузилиши тушунилади (масалан, кузатувчини овоз бериладиган жойга қўймаслик, сайлов комиссияси аъзосига зарур маълумотлар, хужжатларнинг нусхаларини тақдим этмаслик).

Ушбу ҳаракатлар МЖтКнинг 51<sup>4</sup>-моддаси (Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг хукуқларини бузиш) билан баҳоланиши ҳамда базавий ҳисоблаш микдорининг беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бу турдаги хукуқбузарликлар ҳар қандай мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин.

#### Эътибор беринг!

Агарда ушбу ҳаракатлар зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан амалга оширилса, бундай ҳаракатлар жиноий ҳаракатлар сифатида баҳоланади.

#### 4. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш

**Сайловолди ташвиқоти** – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзод ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият.

**Сайловолди ташвиқоти** номзодларни рўйхатта олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан эътиборан бошланади.

Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганда ташвиқотга йўл кўйилмайди.

Ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда



товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш, шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади. Нотўғри аҳборот, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

#### **Ташвиқот қуийдагича тарзда олиб борилади:**

– сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги аҳборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги аҳборотни номзодни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

– номзод тўғрисидаги аҳборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Ташвиқот омма олдида очиқ мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, оммавий аҳборот воситаларида чиқишилар, роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

#### **Ташвиқот:**

– оммавий аҳборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек, Интернет жаҳон аҳборот тармоғи орқали;

– босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материаллари (плакатлар, варажалар ва бошқа материаллар)ни чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

– сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.


Сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиши деганда, сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қоидаларига риоя қиласлик тушунилади.

#### **Ушбу ҳаракатлар қуийдаги қўринишларда амалга оширилиши мумкин:**

– ташвиқот олиб боришнинг шакл ва усуулларига риоя қиласлик;

– оммавий аҳборот воситаларидан фойдаланишда эфир вақти ва нашр майдонини бепул беришда тенглик қоидаларига амал қиласлик;

– омма олдида очиқ мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, оммавий аҳбо-



рот воситаларида чиқишилар, роликларни жойлаштиришдаги қоидаларнинг бузилиши ва бошқалар.

Ушбу ҳаракатлардан бирортаси содир этилган вақтдан бошлаб ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳисобланади ҳамда содир этган шахснинг ҳаракатлари МЖТКнинг 51<sup>5</sup>-моддаси (Сайловолди ташвиқоти, референдумга кўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориши шартлари ва тартибини бузиш) билан баҳоланиши ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг **субъекти сифатида** номзод, ишончли вакил, сиёсий партия ваколатли вакили ва бошқа мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

## **5. Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотлар тарқатиш**

**Номзод** – Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ва Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиш учун сайловларда белгиланган тартибда ўз номзодини илгари сурған Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

**Сиёсий партия** – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилевчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмаси.

Давлат сайловларда иштирок этаётган ҳар бир номзод ҳамда сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди ҳамда ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Нотўғри ахборот, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-кимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

**Шаън** – жамиятнинг объектив фикри, шахснинг ижтимоий баҳоси.  
**Қадр-киммат** – мазкур хусусиятнинг шахс онгода акс этиши, яъни жамиятнинг объектив фикри асосида унга баҳо берилиши.

**Ёлғон маълумот** бу – ҳақиқатга тўғри келмайдиган оғзаки, ёзма, электрон кўринишдаги ахборотлар.

**Ёлғон маълумотларни эълон қилиш** – ҳақиқатга түғри келмайдиган маълумотларнинг ҳеч бўлмаганда бир шахсга маълум қилиниши. Маълум қилиш турли усуулларда (оғзаки, ёзма, ОАВ, ижтимоий тармоқлар орқали) амалга оширилиши мумкин.

Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия түғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усууллар орқали тарқатиш тақиқланади.

Ушбу ҳаракатлар МЖтКнинг 51<sup>6</sup>-моддаси (номзодлар, сиёсий партиялар түғрисида ёлғон маълумотлар тарқатиш) билан баҳоланиши ҳамда фуқароларга базавий ҳисоблаш микдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахс-ларга эса беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солиш-га сабаб бўлади.

Мазкур хукуқбузарликлар субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади.



#### **6. Сайловга тайёргарлик кўриш ва сайловларни ўтказиши жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикарстетказиши**

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиши билан боғлиқ жараёnlарда иштирок этажтан номзодлар ҳамда сиёсий партиялар ўз ташвиқотларини босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб бориши, унга, асосан, номзодлар ва сиёсий партияларга ушбу турдаги материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш ҳуқуқига бир хилда згадирлар.

## **Бу жуда муҳим!**

Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак. Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида қуйидагилар кўрсатилиши лозим: ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақидаги бошқа маълумотлар; ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми); ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборотлар.

Бинолар, иншоотлар ёки бошқа ерларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов ўтказиш жараёнида қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказиш МЖТКнинг 51<sup>7</sup>-моддаси (Сайлов ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказиш) билан баҳоланиши ҳамда фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу турдаги материалларни қасдан йўқ қилиб юбориш бу материалларга ташки таъсирнинг шундай усулини, бунинг натижасида материал ўзининг жисмоний мавжудлигини йўқотади ёки тўлиқ равишда мақсадли йўналтирилганини бўйича ишлатиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолади. Йўқ қилиб юбориш – ёкиб юбориш, бузиб ташлаш натижасида материал таъмирлаш орқали қайта тикланмайдиган ҳолатга келади.

**Қасдан шикаст етказиш** деганда эса ахборот ва ташвиқот материалларининг шундай ўзгариши тушуниладики, натижада унинг мавжуд ҳолати ёмонлашади, анчагина фойдалилик хусусиятини йўқотади ёки фойдаланишга қисман яроқсиз бўлиб қолади.

Мазкур ҳукуқбузарлик **субъекти** ҳар қандай ақли расо 16 ёшга тўлган жисмоний шахс ҳисобланади.

## **7. Сайловни молиялаштириш тарти бини бузиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга, маҳаллий Кенгашларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харжатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харжатлар тасдиқланган харжатлар сметаларига мувофиқ молиялаштирилади.

### **Ёдда тутинг!**

Чет давлатларнинг, уларнинг жисмоний ва юридик шахсларининг ҳамда ҳалқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан сайловни молиялаштириш ҳамда номзодлар ва сиёсий партияларни моддий жиҳатдан бошқача тарзда қўллаб-кувватлаш тақиқланади.

Бундай маблағлар ёки моддий ёрдам келиб тушган тақдирда улар келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичida хайрия субъектига қайтарилиши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса белгиланган тартибда Давлат бюджети даромадига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган сиёсий партиялар, бошқа маҳаллий жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда бериши мумкин. Бу маблағлар Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси жараёнида улардан фойдаланиш учун қабул қилиб олинниши мумкин.

### **Ёдда тутинг!**

Сайловда иштирок этаётган номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловда иштирокини бошқа манбалар ҳисобидан моддий ва молиявий таъминлаш, шу жумладан, товар етказиб бериш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиши тарзида ҳамда моддий жиҳатдан бошқача кўринишда қўллаб-кувватлаш тақиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг харжатлари унинг шахсий газна ҳисобварагидан молиялаштирилади.

Худудий сайлов комиссиялари харжатлари бўйича тўловлар

тегишли сайлов комиссияси раислари ва ҳокимликларнинг бош ҳисобчилари томонидан уларга хизмат кўрсатувчи худудий ғазна-чилик бўлинмаларига тақдим этиладиган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади.



Сайлов комиссияларининг аъзоларига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасида кўрсатилган микдорда транспорт, овқатланиш харажат-лари ва бошқа харажатларнинг ўр-нини қоплаш мақсадида компенса-ция тўланади.

Сайлов комиссиясининг доимий иш жойига эга бўлмаган аъзоларига, шу жумладан, пенсионерларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ иш ҳақи тўланади.

#### Бу жуда ҳам муҳим!

Сайлов комиссиялари ишига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**Сиёсий партияларнинг** сайловда иштирок этишини молиялаштириш эса белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ана шу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир номзод ҳисобига тўғри келадиган микдори **Марказий сайлов комиссияси** ва бошқа **тегишли сайлов комиссиялари** томонидан белгиланади. Бу ҳақдаги ахборот Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, зарур ҳолларда, бошқа манбаларда эълон қилинади. Сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун давлат маблағлари шу партиядан кўрсатилган номзодлар рўйхатта олинганидан кейин рўйхатта олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партияниң ҳисобварагига ўтказилади.

**Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари:**

- ташвиқот олиб боришга;
- номзодларнинг ишончли вакиллари ва ташвиқот ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;
- сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланади.

#### **Эътибор беринг!**

Сиёсий партиялар ўзининг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тұғрисидаги ахборотни сайлов якунлари эълон қилинганидан кейин бир ой ичида ўз расмий веб-сайтлари ва босма нашрларыда эълон қиласы.

**Сайлов ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш деганда, сайлов ёки референдум ўтказиш учун молиялаштириш жарайнанда қонун хужжатларыда белгиланған қоидаларга риоя қиласлик тушунилади.**

**Күйидеги харакатлар молиялаштириш қоидаларини бузиш деб ҳисобланиши мүмкін:**

- сайловга тайёргарлик күриш ва уни ўтказиш билан bogliq харажатларни молиялаштиришда тасдиқланған харажатлар сметала-рига амал қиласлик;
- рухсат берилмаган маблағларни сайлов жараёнини молиялаштиришга жалб этиш;
- сиёсий партиялар харажатларини молиялаштириш қоидаларини бузиш;
- ваколатли бўлмаган шахслар томонидан тўлов топширикномаларининг имзоланиши;
- ажратилган маблағларнинг бир номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдорининг тўғри тақсимланмаслиги;
- номзодларнинг шахсий ҳисобварағига ўтказилган маблағларнинг ишлатилиши бўйича номзодларнинг ёзма ҳисботини белгиланған тартибда тақдим этмаслик;
- сайловларга тайёргарлик күриш ва уни ўтказиш бўйича давлат харидларини амалга ошириш қоидаларига риоя қиласлик;
- сайловга тайёргарлик күриш ва уни ўтказиш даврида сайлов комиссияси аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибига риоя этмаслик;

- сайлов кампаниясида хайрия маблағларини ишлатиш қоидала-  
рига риоя этмаслик;
- сайлов жараёнларидағи моддий кимматликлар ҳисобини юритиш  
тартибиға риоя этмаслик ва ҳ.к.

Сайловларга тайёргарлик күриш ва уни ўтказиши билан боғлиқ барча ҳаражатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 25 октябрдаги 969-сон қарори билан тасдиқланған “Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилік палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жұқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар қенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик күриш ва уларни ўтказиши молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тұғрисида”ги йўриқномаси билан тартибиға соли-нади.

Ушбу ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб айб-  
дорнинг ҳаракатлари МЖТКнинг 51<sup>8</sup>-моддаси (сайлов ёки референ-  
думни молиялаштириш тартибини бузиш) билан баҳоланиши ҳамда  
фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн  
бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма  
бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ҳуқуқбузарлик **субъекти** ҳар қандай ақли расо  
16 ёшга тўлган жисмоний шахс ҳисобланади.

### **8. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари таҳминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Рес-  
публикаси Олий Мажлисига сайлов якунларига кўра, Марказий сай-  
лов комиссиясининг қарори сайловдан кейин ўн кундан кечик-  
тирмай қабул қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг  
расмий веб-сайти ва бошқа манбаларда эълон қилинади.

Маҳаллий Кенгашга ўтказилған сайлов якунлари тұғрисидаги  
қарор тегишли сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин ўн  
кундан кечиктирмай қабул қилинади ва матбуотда эълон қилинади,  
шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ҳаммага маълум қили-  
нади.

## Ёдда тутинг!

Сайлов куни ҳамда овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчиллик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан, ахборот тармоқларига, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлашириш тақиқланади.

Ушбу ҳаракатлардан бирининг мансабдор шахс томонидан содир этилиши МЖтКнинг 51<sup>9</sup>-моддаси (Жамоатчиллик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш) билан баҳоланиши ҳамда бу ҳуқуқбузарликни содир этган **mansabדור шахсларга** базавий ҳисоблаш микдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жамоатчиллик фикри сўровлари натижалари, сайлов натижалари тахминлари, шунингдек, сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш деганда, сўров ва сайлов натижаларини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга риоя қиласдан ошкор этиш тушунилади.

Ҳуқуқбузарлик субъекти мансабдор шахслар ҳисобланади.

### 9. Сайлов комиссиялари томонидан сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш

Сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни сайлов комиссиялари томонидан аниқлаш, расмийлаштириш ва уларни суд органларига юбориш, шунингдек, аниқланган ҳуқуқбузарликлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш лозим ҳамда аниқланган ҳар бир ҳуқуқбузарлик юзасидан **баённома** расмийлаштирилади.

Сайлов комиссияларининг раислари, уларнинг ўринbosарлари, котиблари ёки аъзолари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузиш ваколатига эга.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада:**

– баённома тузилган сана ва жой;

- баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отаси-нинг исми;
- ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқ-бузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгар-ликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;
- агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари;
- ҳуқуқбузарнинг тушунтириши;
- ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрса-тилади. Башарти, ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

**Баённома** уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади. Гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзо-ланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда баённомага бу ҳакда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини бериш, шунингдек, мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

#### **Бу жуда муҳим!**

Баённома тузилаётган ҳар бир ҳолатда ҳуқуқбузарга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши ҳамда бу хусусда баённомага ёзиб қўйилиши талаб этилади.

**Сайлов ва референдумни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги  
хуқуқбузарлик ҳақида \_\_\_-сонли  
БАЁННОМА**

20 «\_\_\_» куни соат \_\_\_\_\_

*(ҳудуд номи)*

Ушбу баённомани мен,

*(баённомани тузувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми,  
лавозими)*

туздим.  
Фуқаро


*(түгилган санаси, жойи) (миллати)*

Фуқаролиги (1-Ўзбекистон, 2-чет эл фуқароси, 3-фуқаролиги  
бўлмаган)

--

 *(яшаш жойи) (телефон)*

*(шижойи) (телефон)*

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат:

*(тури, серияси, рақами, берган орган номи ва вақти)*

Менга Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 294-моддасида  
белгиланган хуқуқ ва бурчларим тушунтирилди:

*(хуқуқбузарнинг имзоси)*

20 йил «\_\_\_» куни

соат

---

---

---

(жүкүқбұзарлық содир этилған жой өнинг тағсилоти)  
яъни МЖтКнинг \_\_\_\_\_-моддасыда назарда тутилған маъмурий  
хукуқбұзарлыкни содир этган.

Гувоҳ ёки холислар: МЖтКнинг **298-моддаси** талаблари билан  
таништирилди.

1.

(фамилияси, исми, отасининг исми, туғилған йили)

(яшаши жойи, имзо)

2.

(фамилияси, исми, отасининг исми, туғилған йили)

(яшаши жойи, имзо)

Баённома билан танишдим. Унинг мазмуни бүйічка күйидагиларни  
билдираман:

---

---

---

(жүкүқбұзарнинг тушунтириши  
берииш)

(жүкүқбұзарнинг имзоси)

Баённомага илова этилади:

(тиббий текширув холосаси, далолатнома, далилий анық,  
тушунтириши хаты, шига оид бошқа жүржетілар)

Маъмурий иш кўриб чиқилган жой ва вақт тўғрисида огоҳлантирилдим:

---

(имзо)

Баённомани тузган шахс:

---

(имзо)

Сайлов комиссиялари маъмурий хукуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланган ҳолларда ушбу ҳолат ҳақида дарҳол хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки юқори турувчи сайлов комиссияларига хабар бериши мумкин.

**Хабарда қўйидагилар кўрсатилиши зарур:**

- хукуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар (агар мавжуд бўлса);
- хукуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу хукуқбузарликнинг моҳияти;
- агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яашаш манзиллари;
- зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Келиб тушган хабарлар хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши тегишли тартибда чоралар кўришни таъминлаши зарур.

Сайлов кодексида сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш тартиби берилган. Унга кўра, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида юқори турувчи сайлов комиссияси ёки судга шикоят қилиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга камида олти кун қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишида бевосита иштирок этиш хукуқига эга.

## **II. САЙЛОВ ТҮГРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК**

### **10. Сайловни ташкил қилиш, уларни ўтказиш түгрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (кейинги ўринларда – ЖК) 146-моддасига кўра, сайловларни ташкил қилиш, уларни ўтказиш вактида:

- мансабдор шахслар;
- сиёсий партиялар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари;
- сайлов комиссиялари аъзолари томонидан овоз берининг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варакаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаганлик учун жиной жавобгарлик назарда тутитилган.

#### **Бу жуда муҳим!**

Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.

**Овоз бериш яширинлигини бузиш деганда, сайловчининг яширин овоз беришни назарда тутувчи хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилишга айтилади.**

Бу турли усувлар билан амалга оширилиши (масалан, овоз бериш жараёнини бевосита кузатиш, очиқ овоз бериш кабиналарини жиҳозлаш ва ҳ.к.) мумкин.

**Ҳужжатларни қалбакилаштириш** эса сайлов жараёнларига оид ҳақиқий ҳужжатларнинг асл моҳиятини ўзgartиш мақсадида гараз ниятларда ташқаридан таъсир этиш орқали ўзgartиш ва қўшимчалар киритишидир.

**Сохта маълумот киритиш деганда, сайлов жараёнига таалтуқли ҳужжатларга ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар киритилишига айтилади.**

## **Мазкур ҳужжатларга:**

- имзо варақалари;
- сайлов бюллетенлари;
- сайловчилар рўйхатлари;
- сайлов комиссиялари баённомалари ва бошқа ҳужжатлар киради.

Овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш деганда, сайловда берилган овозлар натижаларини у ёки бу номзод фойдасига қасдан бузиб кўрсатиш тушунилади.

Ушбу ҳаракатлардан бирортаси содир этилган вақтдан бошлаб жиноят тамом бўлган ҳисобланади.

Мазкур жиноят мансабдор шахслар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гурухлар ҳамда сайлов комиссиялари аъзолари томонидан содир этилади.

## **11. Сайлов ҳуқуқи ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш**

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга кўра, ҳар бир фуқаро эркин овоз бериш ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи асосида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга.

### **ЖКнинг 147-моддасига кўра:**

- фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқлари амалга оширишларига;
- депутатлик ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакилларининг ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилганлик жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ушбу ҳолатда зўрлик ишлатиш деганда, сайловда иштирок этаётган фуқарога, номзодга, ишончли вакилга ўз вазифаларини амалга оширишларига фаол тўсқинлик қилиш (калтаклаш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш) назарда тутилади.

Қўрқитиш деганда, жабрланувчига (фуқаро, номзод, ишончли вакил) руҳий таъсир ўтгазишда, яъни агар у сайловда иштирок этиб, ўз ҳукукини амалга оширса, овоз берса ёки сайловолди ташвиқоти олиб борса, унинг ёки қариндошларининг қонун билан кўриқла-

надиган манфаатларига (ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан, мулки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқаларга) зарар етказиш нияти билдирилган (ёзма, оғзаки, имо-ишора билан) хабарларни етказишида ифодаланади.

**Алдаш деганда**, била туриб шахсни сайлов жараёнларига нисбатан нотўғри ахборотлар бериб янглишириш, овоз бериш жойи, вақти, тартиби ва ҳоказолар тўғрисида нотўғри хабарлар бериш тушунилади. Бундай алдаш сайловчиларга, ишончли вакилларга берилиши керак бўлган маълумотлар ҳақида индамаслик, номзод шахсига, сайловчилар билан учрашув ўтказиш вақти ва жойига, сайлов вақти ва жойи, овоз бериш вақти, бюллетенларни тўлдириш тартиби ёхуд сайловолди кампанияси ёки сайловда эркин иштирок этиши учун билиши зарур бўлган маълумотларга оид бўлиши мумкин.

**Оғдириб олиш деганда**, шахснинг сайловолди кампаниясида ёки сайловларда қатнашмаслиги учун тақдирлаш ёки бирор мулкий имтиёзлар ёки неъматларни тақдим этишга ваъда бериш тушунилади (масалан, сайловолди кампанияси, сайлов ёки референдумда иштирок этмаслик, муайян шаклда овоз бериш, сайлов комиссиясининг ишига тўсқинлик қилиш, ўз номзодини қайтариб олиш кабилар).

Баъзан оғдириш қонун ва ҳатто инсонпарварлик ҳаракатлари остига яширган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Масалан, касби тадбиркор бўлган номзод сайлов кампанияси ўтказилаётган вақтда ўз ҳисобидан кам таъминланган сайловчиларга моддий ёрдам бериши, сайловчилар уй-жойларини бепул таъмиратиб бериши мумкин ва ҳоказо.

**Тўсқинлик қилишда** сайлов иштирокчиларининг сайлов ҳукуқларини амалга ошириш эркинлигини бузадиган ҳаракатлар қасддан содир этилиши тушунилади. Бу сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун қасддан сунъий тўсқинликлар, номзодларни рўйхатга олишида қонунчилликда асосланмаган турли тўсиқлар ва баҳоналар, сайлов участкаларига кириш учун тўсиқларни вужудга келтириш каби ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин.

Мазкур жиноят овоз бериш истагини билдириган беморга сайлов кутисини бермаслик ёки унга сайлов бюллетенларини бермаслик, сайловчини тегишли рўйхатга киритмаслик каби ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

# МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>	3
--------------	---

<b>I. САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК</b>	5
--	---

1. Сайлов комиссияларининг фаолиятига қонунга хилоф равищда аралашиш .....	5
2. Сайлов комиссияларининг қарорларини ижро этмаслик .....	6
3. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш .....	8
4. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш .....	10
5. Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотлар тарқатиш .....	12
6. Сайловга тайёргарлик кўриш ва сайловларни ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш .....	13
7. Сайловни молиялаштириш тартибини бузиш .....	15
8. Жамоатчилик фикри сўровлари натижалари, сайлов натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш .....	18
9. Сайлов комиссиялари томонидан сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш .....	19

<b>II. САЙЛОВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК</b>	24
--	----

10. Сайловни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш .....	24
11. Сайлов ҳуқуки ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш .....	25

**Х.Р. ОЧИЛОВ**

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ  
БУЗГАНЛИК УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИК**

**(оммабоп рисола)**

*Масъул мұхаррір: Х. Салоева*

*Мұхаррір: Ф. Мұхаммадиева*

*Техник мұхаррір: У. Санаев*

*Компьютерда саҳифаловчи: Д. Рахсапов*

Босишига рухсат этилди: 27.03.2021.

Хажми: 2 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 9. Тошкент давлат юридик  
университети Типография бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.

## **ИЛМИЙ-ОММАБОП РИСОЛАЛАР МАХСУС СЕРИЯСИ:**

- 1) Президент сайловининг ўзига хос хусусиятлари;
- 2) Президентликка номзодларнинг ҳуқуқий мақоми;
- 3) Президент сайловида сиёсий партияларнинг иштироки;
- 4) Сайловолди ташвиқоти;
- 5) Сайловда овоз бериш тартиби;
- 6) Сайловларда очиқлик ва ошкоралик;
- 7) Сайловчиларнинг рўйхатини тузиш тартиби;
- 8) Сайлов ҳуқуқларига оид шикоятларни кўриб чиқиш;
- 9) Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик;
- 10) Халқаро сайлов стандартлари;
- 11) Кузатувчиларнинг ҳуқуқий мақоми;
- 12) Марказий сайлов комиссиясининг мақоми;
- 13) Округ сайлов комиссияларининг мақоми;
- 14) Участка сайлов комиссияларининг мақоми.

**ИЛОВАНИ ЮКЛАБ ОЛИШ:**

